



2
(1476)-son
15-yanvar
2021

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганига 29 йил тўлди. 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини тантанали нишонлаш давом этмоқда.



**СИЗ БОРКИ,
ВАТАН САРҲАДЛАРИ
ТИНЧ!**

4

ЖАМИЯТ ВА АКТ



КЕЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН ЯНГИ ЛОЙИХАГА СТАРТ БЕРИЛДИ

2021 йил 11 январь куни IT-Парк ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолади.

Маъмур воқеа XXI асрда иш бевурувчилар томонидан талаб қилинадиган янги касбларни ривожлантириш ҳамда ўқитишга қаратилган "Future Skills Uzbekistan" янги лойиҳасининг бошланишига илк қадам бўлди.

Меморандум имзоланиши шарафига бағишланган тадбирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов, IT-Парк директори Фарҳод Ибрагимов ва бошқалар иштирок этишди.

Лойиҳанинг мақсади — ахборот технологиялари бўйича кенг қамровли ўқув дастури орқали юқори малакали IT мутахассислар сонини кўпайтиришдир.

3

САНА

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИГА ТАШРИФ БҮЮРУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ҲОЗИРЛАНДИ

Ўзбекистонда энг баланд иншоот бўлган Тошкент телеминораси муҳим ва мураккаб, шунинг баробарида ҳаммининг диққат марказида бўлган стратегик объект ҳисобланади. Телеминора ўз фаолиятини 1985 йилнинг 15 январидан бошлаган. Бугун ушбу санага 36 йил тўлади.



Телеминоранинг асосий фаолияти радиотелевизион дастурларни оммага узатиш, шунингдек, юрдошларимиз ва меҳмонларга Тошкент манзарасини баландликдан томоша қилиш учун экскурсия ҳамда миноранинг 105 ва 110 метр баландлигида жойлашган "Коинот" ресторани хизматларини кўрсатишдан иборат.

Бугунги кунда Тошкент телеминораси нафақат техник иншоот, балки пойтахт кўркига кўрк қўшиб турган ноёб архитектура дурдонасидир. Телеминора доимо сайёҳлар билан гавжум. Бугун мамлакатимизга кўзгудек

нур таратиб турган бу улуғ даргоҳни теле ва радио каналларнинг юраги деб аташ мумкин.

Сўнгги йилларда Тошкент телеминораси туризм салоҳиятини ривожлантиришга, сайёҳлик имкониятларини кенгайтиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда Тошкент телеминорасига киришда ташриф буюрувчиларга қулайлик яратиш мақсадида QR кодли тизим қурилмалари (ARM касса қурилмаси, беш хил тоифадаги QR

кодли чипталарни чоп этиш ва автоматик тарзда ҳисобга олиш қурилмаси) ўрнатилган ва ишга туширилган.

Шунингдек, телеминоранинг расмий веб-сайти (tv-tower.uz) орқали кириш чипталарини интернет тармоғи орқали харид қилиш имконияти яратилган. Ушбу ишларни давом эттирган ҳолда Рауме тизими орқали ҳам QR расмга олган ҳолда чипталарга тўловни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда.

2021 йилда Тошкент телеминорасида "Виртуал воқеийлик", "Аудио ГИД" ахборот тизимлари хизмат турларини яратиш ва Тошкент телеминораси расмий веб-сайтини янгилаш амалга оширилади.

Тошкент телеминораси ўзига хос тақдорланмас ноёб архитектура иншоотидан яқинроқ танишиш истагидаги юрдошларимиз ва хорижий меҳмонларимизга "Тошкент телеминораси Сизни кутмоқда" деб қоламиз.

СМАРТФОНЛАР БОЗОРИ — ЕТАКЧИ ВЕНДОРЛАР (2020 йил, топ-7)

1. Samsung — 263 млн.
2. Apple — 199 млн.
3. Huawei — 170 млн.
4. Xiaomi — 146 млн.
5. OPPO — 144 млн.
6. Vivo — 110 млн.
7. Transsion — 55 млн.



Манба: TrendForce

Jumadan
Jumagacha

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Шавкат Мирзиёев 11 январ куни Жиззах вилоятида бўлди.** Давлатимиз раҳбари дастлаб Марказий ҳарбий округнинг артиллерия бригадасини бориб кўрди. Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисмининг тиббиёт пунктдаги ускуна ва кадрлар салоҳиятидан фойдаланиб, ҳарбий қисм яқинидаги Олмачи маҳалласи аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказиш, халқ саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш зарурлигини таъкидлади. Мудофаа вазирлигининг захираси сифатида ҳар бири 500 ўринли иккита мобил госпитал ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Давлатимиз раҳбари "Фориш" тоғ полигонида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлиги билан ҳам танишди.

● Президент Шавкат Мирзиёев 11 январ куни инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди. Дастлаб 2021 йилда тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди. Тижорат банклари томонидан 2021 йилда 120 триллион сўм миқдоридagi йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган. Президентга, шунингдек, пойтахтимизда инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши борасида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган лойиҳаларни белгиланган муддатларда ва сифатли, замон талабларига мос равишда амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берди.

● Президент Шавкат Мирзиёев 13 январ куни машинасозлик тармоғини трансформация қилиш ва соҳада рақобатни ривожлантириш масалалари бўйича йўналиш ўтказди. Унда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ислоҳ қилиш масаласи ҳам афтоқлича муҳокама этилди. Тармоқда иқтисодий самарадорликни ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича вазифалар белгиланди.

● 2021 йил 14 январ куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирини лавозимига Абдуқодир Тошқулов номзодини ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирини лавозимига Шерзод Ҳидоятлов номзодини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида"ги фармон ва "Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар эълон қилинди.

АКТ СОҲАСИ: 2020 ЙИЛНИНГ ТАНҚИДИЙ- ТАҲЛИЛИЙ НАТИЖАЛАРИ ҲАМДА 2021 ЙИЛГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Жорий йилнинг 9 январ куни АОКАда IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолият соҳасини ривожлантириш бўйича 2020 йилда амалга оширилган ишларнинг танқидий-таҳлилий натижалари ҳамда 2021 йилги устувор вазифаларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Унда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирини Шухрат Содиқов давлатимиз раҳбари томонидан IT-тадбиркорлик ва ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. "Ҳар бир ҳудудда Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этиш орқали аҳолини, айниқса, ёшларимизни дастурлаш сирлари, веб-сайтлар ва мобил иловалар яратиш бўйича билимларини ошириш йўлга қўйилди, — деди вазир. Шу мақсадда ўтган йили IT-Паркнинг 5та филиали фаолияти йўлга қўйилди (Андижон, Фарғона, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд), уларда 400дан зиёд корхона фаолият бошлади.

Қисқа вақт мобайнида улар томонидан 900дан зиёд дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқилди. Бешта муҳим ташаббус доирасида республика бўйича 107та Рақамли технологиялар ўқув маркази фойдаланишга топширилди ва 200дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди".

Интернет хизматлари тарифлари 29 фоизга арзонлаштирилди

Шунингдек, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳуқуқ матни жорий этишда рақам-

ли инфратузилмани ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланиб, йил давомида бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида ўтилди:

● 1 млн.та интернет тармоғида кенг полосали ула-ниш портлари ўрнатилди ва уларнинг умумий сони 3 млн.тага етказилди;

● 32 минг км. оптик то-лалли алоқа линиялари қурилди;

● 3 мингта таянч стан-циялари кенг полосали тех-нологиялари асосида мо-дернизация қилинди;

● 5 Петабайт сиғимга тенг Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази ишга туширилди;

● Мавжуд техник қувват-ларни кескин ошириш ҳис-о-бига бултур декабр ойдан алоқа каналлари ижараси тарифлари 2 баробарга, ўтган йил давомида ин-тернет хизматлари тарифлари эса 29 фоизга арзонлашти-рилишига эришилди (1 Мбит/с интернет нархи 40,0 минг сўм).

Қолаверса, ижтимоий соҳа объектларига, шу жум-ладан, 8 095та халқ таъли-ми, 5 440та мактабгача таъ-лим ва 3 207та соғлиқни сақ-лаш муассасаларига ҳамма 14 минг км. оптик толали алоқа линиялари тортилиб, юқори тезликдаги интернет тармоғига улашни имкони-ят яратилди.

Бундан ташқари, 5 641та мобил алоқа таянч станция-лари созланиб, қайта ишга туширилди.

My.gov.uzda талабгорлиги юқори бўлган 60та хизмат жорий этилади

Брифингда 2021 йилда соҳа томонидан амалга оши-риладиган устувор вазифа-лар ҳақида ҳам маълумот берилди. "Бу борада асосий эътиборимиз соҳада амалга оширилаётган ислохотларни тизимли равишда давом эт-тириш, рақамли иқтисодиёт, электрон ҳуқуқат рақамли инфратузилмани ривожлан-тириш ва кадрлар тайёр-лашга йўналтирилади", — қайд этди вазир.

Жумладан:

● Ягона интерактив дав-лат хизматлари портали ва унинг мобил иловаси та-комиллаштирилади;

● давлат органлари фа-олияти очиклиги ва фуқаро-лар билан ўзаро ҳамкорли-ги шаффофлигини ошириш чоралари кўрилади;

● Ягона интерактив дав-лат хизматлари порталида талабгорлиги юқори бўлган 60та хизмат жорий этилади;

● маҳаллий ижро эту-ви ҳокимият органларида "E-qaqoq" электрон тизими жо-рий этилади.

● очик маълумотлар портали инфратузилмаси ва

платформаси модернизация қилинади, имкониётлари янада кенгайтирилади;

● Барча олий таълим муассасаларида бошланғич лойиҳаларни қўллаб-қувват-лаш бўйича инкубация мар-казлари ташкил этилади;

● 50 минг км.га тенг оп-тик толали алоқа линиялари қурилади. Бунда асосий эътибор олис қишлоқ аҳоли масканлари ва ижтимоий инфратузилма объектлари-га қаратилади;

● барча ижтимоий объектларни мутасадди ва-зирликлар билан ҳамкорли-да интернет тармоғига улаш ишлари тўлиқ якунига ет-казилади;

● мобил алоқа опера-торлари томонидан қўшимча 2 мингта база станцияси ўрнатилади;

● ҳудудларда IT-тадбир-корликни ривожлантириш ва янги иш жойларини яратиш мақсадида маҳаллий ҳоким-ликлар билан биргаликда Нукус, Урганч, Наманган, Қарши, Термиз ва Тошкент шаҳарларида ҳам IT-Парк филиаллари фаолияти йўлга қўйилади;

● шунингдек, йил охири-га қадар республиканинг барча туман ва шаҳарлари-дан 100дан зиёд Рақамли технологиялар ўқув марказ-лари фойдаланишга топши-рилади;

● IT-таълимни янада ривожлантириш мақсадида Тошкент ахборот техноло-гиялари университетининг Тошкент вилояти филиали ва ҳудудларда ахборот тех-нологиялари бўйича кадр-лар тайёрлайдиган техни-кумлар фаолияти йўлга қўйилади.

Қолаверса, республи-кадаги мавжуд 82та умумтаълим мактаби не-гизда босқичма-босқич "IT"га ихтисослаштирилган мактаблар фаолият бош-лайди.

Почта алоқаси тармоғи-дан фойдаланган ҳолда дав-лат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилади. Умумжаҳон почта иттифоқининг Почта ривожланиши индекси гло-бал рейтингда мамлақати-мизни биринчи 50таликка ки-ришти юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

КЕЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН ЯНГИ ЛОЙИХАГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Лойиҳа куйидаги учта асосий босқични ўз ичига олади:

1. Профессинал таълим ва IT мутахассисларни тайёрлаш.

Ушбу босқич кенг қамровли ўқув дастуридан, яъни компютер саводхонлиги, инглиз тили ва soft skillsни ривожлантириш курсларидан иборат. Кейинчалик, компютер саводхонлиги курсини тамомлагандан сўнг, иштирокчилар мутахассислик билан танишадилар ва ҳар бир киши ўқишини давом эттириши учун куйидаги мутахассисликлардан бирини танлаши мумкин:

- веб дастурлаш;
- мобил иловаларни яратиш;
- мобил ўйинларни яратиш;
- мобил робототехника;
- график дизайн;
- 3D моделлаштириш;
- IT менежменти;

2. IT мутахассисининг малакасини баҳолаш ва малака паспортини бериш.



Ўқиш сўнггида битирувчиларнинг малака даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг билими мустақил равишда баҳоланади (ихтиёрий). Ундан сўнг IT мутахассисига малака паспорти берилди.

3. IT мутахассисига ишга жойлашиш ва мустақил равишда иш билан шуғулланиш (фрилансерлик) бўйича ёрдам.

Лойиҳа доирасида иштирокчиларга нафақат IT мутахассисликлари ўқитилади, балки истиқболли талабаларга иш излашларида ва иш топишларида ҳар томонлама ёрдам берилди. Бундан ташқари, лойиҳа иштирокчи-

лари учун турли тадбир, амалиёт, хакатон, акселератор, инкубатор, танлов ва бошқа тадбирлар ташкил этилади. Лойиҳада турли хил платформалар ва агрегаторлар орқали халқаро фриланс бозорида ўқитилган IT мутахассисларнинг киришига алоҳида эътибор қаратилади.

Кенг қамровли ўқув дастури 9 ой давом этади ва 12 виллоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ташкиллаштирилади.

Лойиҳага рўйхатдан ўтиш 2021 йил 18 январ куни куйидаги ҳавола орқали бошланади: <http://futureskills.uz>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисида Мурожаатномаси фаолиятимизга илҳомбахш устувор ғоялар, кўтаринки руҳ олиб кирди. Биз почтачилар зиммасига ҳам салмоқли вазифалар куйди, десак янглишмаган бўламиз.

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТГА ҲИССА ҚЎШАМИЗ

2021 йилда виллоят иқтисодийтини юқори босқичга олиб чиқиш, ўсиш драйверларини белгилаб, аҳоли турмуш даражасини яхшилашда амалга оширишимиз зарур бўлган ишлар ниҳоятда кўп. Мурожаатномага биноан бизни камбағалликни қисқартириш, иш ўринларини яратиш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида жуда кўп ишлар кутиб турибди. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш доимий диққат-марказимизда бўлади. Ойлик маошларни мунтазам равишда ошириб бориш, самарали иш учун рабатлантириш тадбирларини йўлга қўйиш ҳаракатидамиз.

“ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА ҚИЛИНАЁТГАН ИШЛАРГА УЛУШ ҚЎШИШ МАҚСАДИДА ПОЧТА АЛОҚАСИ БОҒЛАМАЛАРИМИЗ БИНОЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА ТАЪМИРЛАШНИ РЕЖАЛАШТИРГАНМИЗ.

2021 йилга Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб ном берилганлиги муносабати билан ҳам ўзимиз учун жуда кўп вазифаларни белгилаб олдик. Ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш, жамоа аъзоларимиз, жумладан, ёш ишчи ва мутахассисларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш учун уларни сихатгоҳларга юбориш шундай эзгу ишларимиз сирасидан. Анъанага кўра ўтказиладиган теннис, футбол, шахмат-шашка, югуриш спорт мусобақаларимиз сонини ҳам кўпайтириб, ғолибларини тақдирлаб борамиз. Соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш тарғиботи мавзусидаги маънавий-маърифий ишларни ҳам қайтадан йўлга қўймоқчимиз. Таниқли шифокорлар, тиббиёт ходимлари, олимлар билан учрашув-мулоқотлар ташкил этамиз. Саломатлик буклетлари, тиббий саводхонликка оид адабиётлар харид қилиб ходимларимизга тарқатамиз. Яна кўнгилга туккан ниятларимиздан бири шуки, соғлиги заифлашган болажонларимизни соғломлаштириш оромоҳларида юз фоиз хордиқ чиқаришларини таъминлашдир. Бу эзгу тадбирларимизнинг ҳаммаси турмуш сифатимизни яхшилаб боришга хизмат қилиши шак-шубҳасиз.

Кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий фазилятларини баҳолай оладиган очкич ва ошқора тизимимиз фаолиятини янада кучайтираамиз.

Фурсати келганда шуни эътироф этиш зарурки, 2020 йил, 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори филиалимиз жамоасига қувонч бағишлади. Соҳамиз ислоҳоти акс этган ана шу муҳим ҳужжатдаги вазифаларни ўз вақтида ва кўнгилдагидек адо этишга аллақачон киришганмиз. “Йўл харитаси”га асосан шаҳар ва туманлар алоқа бўлимида ўн турдаги давлат хизматлари кўрсатиш бошлаб юборилди. Босқичма-босқич равишда жами 38та боғламада шу хизматлар йўлга қўйилади. Банк хизматлари кўрсатиш турлари ҳам кўпайтирилади.

“Миллий онлайн савдо майдончаси” яратиш, маҳсулотлар сақлаш, етказиб бериш юзасидан бир қанча тадбиркорлар билан шартнома тузишга муваффақ бўлдик. Ҳадемай аҳоли почта алоқаси хизматларидан контакtsiz фойдаланиши учун қулайлик яратиш мақсадида, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган комплекслар – почтаматлар келтирилди. Аввал Фарғона ва Қўқон шаҳарларида, кейинчалик бошқа шаҳарларда ўрнатилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ҳа, халқ суянган қадимий соҳа сифатида бекиёс ўзгаришлар ясашга даъват этилдик. Бу залвори ҳаддан зиёд оғир масъулият ва ишончнинг оқлаш учун барча имкониятларни ишга соламиз. Халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлашга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишда давом этамиз.

Алижон ИБРАГИМОВ,
“Ўзбекистон почтаси” АЖ
Фарғона филиали директори

● Тест

ИНФОРМАТИКА ВА АКТ ЧУҚУРЛАШТИРИБ ЎҚИТИЛАДИГАН МАКТАБГА ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ



2020-2021 ўқув йилидан бошлаб чуқурлаштирилган синфларга 60 нафар қабул квотаси ажратилди.

Президентнинг 2020 йил 6 октябрдаги қарори асосида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 3-сон умумтаълим мактаби “Информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб”га айлантирилди.

Жорий йилнинг 12 январида Информатика ва ахборот технологияларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабга илк ўқувчиларини қабул қилиш мақсадида 5-синф ўқувчилари ўртасида тест топшириш жараёнлари бўлиб ўтди.

Тест жараёнларини Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Мақамаси ҳузурдаги Давлат тест марказининг масъул ходимлари томонидан амалга оширилди ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг масъул профессор ўқитувчилари тест жараёнларини ўтишини кузатиб бордилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИ IT-ИНКУБАЦИЯ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА АЛМАШДИ

12 январ куни Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетидеда университет ҳузурдаги IT-инкубация марказини ташкил этиш бўйича тажриба алмашиш доирасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда бир қатор вазирлик, университет ҳамда институтлар вакиллари иштирок этдилар.

Ректор в.б. Музаффар Жалолов қисқа нутқ сўзлади. Сўнгра фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологик қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Зафар Давлатов ҳамда ҳамкорлик ва ҳомийликни ривожлантириш бўлими раҳбари Гулшан Ҳайитова ИНҲА университети инкубация маркази қандай пайдо бўлганлиги, мазкур марказнинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг стартап-лоийҳаларини қўллаб-қувватлаш ва келажакдаги ривожланиш режалари ҳақида тақдимот қилди.



АМИТИ УНИВЕРСИТЕТИДА 170дан Ортиқ МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ ЙИГИЛДИ

Тошкент шаҳридаги Амйти университетидеда ўрта-таълим мактаблари директорлари билан халқаро семинар бўлиб ўтди.


Халқаро тадбир Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай ва Абу-Даби шаҳарларида жойлашган Амйти мактаби билан биргаликда онлайн тарзда олиб борилди.

Учрашувда Амйти университети раҳбарияти ҳамда Дубай шаҳридаги Амйти мак-

табининг директорлари ва мутахассислари ўз билимлари билан ўртоқлашдилар ҳамда глобал таълим тенденциялари ҳақида маълумот улашдилар.

Бу тадбир Тошкент шаҳридаги Амйти университети томонидан мактаблар учун

амалга оширилаётган кўмакнинг бошланиши бўлиб, келгусида ахборот технологиялари, математика ва инглиз тили фанлари бўйича ўқитувчилар учун чуқурлаштирилган дастурлар, шунингдек, мактаб ўқувчилари учун алоҳида ўқув курслари жорий этилади.



«1»

СИЗ БОРКИ, ВАТАН САРҲАДЛАРИ ТИНЧ!

Бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ҳамда халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатига айланди, деб қилдик ишонч билан айта оламиз. Миллий армиямизни ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айлантириш йўлидаги туб ислохотлар эса бир зум бўлсин су-сайтирилгани йўқ. Фаолиятга эндигина бир йил тўлган Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда узоқни кўлаб амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасидир.

Бугун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, рақамлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ҳарбий соҳа ҳам бундан мустасно эмас. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти янада такомиллаштириш, бу соҳада ҳарбий-илмий тадқиқотларни такомиллаштириш вазифалари юклатилган. Ва институт жамоаси ушбу вазифани сидқидилдан бажариш йўлида бор билимини ишга солган ҳолда ҳаракат қилмоқда.

Тошкент вилоятининг Куёшли кўрғонидаги янги ҳарбий шаҳарчада қад ростлаган институтнинг маҳобатли бинолари ҳар бир инсон қалбига гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиши табиий. Бу ерда таҳсил олаётган бир-биридан норғул ўғлонларимизга, уларнинг алп-қомат эғилларига ярашиб турган ҳарбий кийимларига, шаҳдам қадамларига, чақноқ нигоҳларига боқиб, юртимиз тинчлиги ишончли кўлларда эканлигидан шукроналик ва хотиржамлик инди кўнғилларга...

Институтда ҳақиқий ҳарбийча ҳаёт ҳукмрон. Бу ерда курсантларнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етук мутахассислар бўлиб камол топишлари учун барча шароитлар яратилган. Улар тўлиқ компютерлаштирилган хоналарда билим оладилар. Энг замонавий стандартларга жавоб берадиган

жисмоний ва тактик машғулотларга мўлжалланган майдонлар, ёпиқ тренажёр заллари, сўнги русумдаги компютерлар билан жиҳозланган катта кутубхона, ошхона ва дам олиш хоналари, махсус техника ва алоқа воситалари намуналари ҳам улар ихтиёрида. Уқув-тарбия жараёнлари, замонавий таълим воситалари, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари аъло даражада жорий этилган.

Таъкидлаш жоизки, институт курсантларнинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан энг муносиблари танлаб олинган. Бу ерга ўқиш истагида ҳужжат топширган мингга яқин талабгорларнинг икки юз нафари саралаш босқичига етиб келган бўлса, уларнинг йигирма нафари курсантлик шарафига эриша олган. Зўрлар ичида зўр чиқа олган курсантлардан бири хоразмлик Алишер Раззоқбердиевдир. Бу йигит курсант бўлгунча ТАТУнинг Хоразм филиалида ўқиган. Талабалик даврида ҳам ўзининг дастурлашга оид билимлари билан тенгдошларига ўрнак бўлган. 2017 йили дастурлаш йўналишида талабалар ўртасида ўтказилган Ал-Хоразмий танловида ғолиб бўлгани, АСМ ИСРС дастурлаш бўйича халқаро олимпиадада ярим финалга чиққани бежиз

эмас. Институтда бундай курсантлар жуда кўп.

— 1997 йили Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида туғилганман, — дейди курсант Амал Исломов. — Онам мактабда математикадан дарс беради, отам ҳарбий. Шу боис оиламизда бу икки соҳа доим устувор бўлган. Математика бўйича онамни устоз деб билсам, отамнинг ҳарбий либоси доим ҳавасимни келтирарди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот технологиялари йўналишига ўқишга кириб, онамнинг ишончини оқлаган эдим. Ушбу ҳарбий алоқа институтига танлов босланганини эшитиб, мен учун отам сингари ҳарбий бўлиш имконияти ҳам пайдо бўлганини англадим ва ҳеч иккиланмай ҳужжатларимни топширдим. Танловдан ўтганимда, мендан бахтли одам йўқ эди. Бирданга ҳам отамнинг, ҳам онамнинг қасбини эгаллаб олиш мен учун улкан шараф ва катта масъулият.

Институтда таълим олаётган ҳар бир ёш эътирофга, мақтовга лойиқ аслида. Дарвоқе, курсант Набижон Бобоев сардорлигидаги Алишер Раззоқбердиев, Амал Исломов ва Арслонбек Файзуллаевлардан иборат жамоа 2020 йил декабр ойда бўлиб ўтган информати-

ка ва дастурлаш бўйича Ўзбекистон олимпиадасида биринчи ўринга муносиб кўрилган. Айни дамда бу кучли жамоа 18—23 апрел кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида Ҳарбий олий таълим муассасалари курсантлари ўртасида ташкиллаштирилган VI халқаро олимпиадага қизгин тайёргарлик кўришяпти. Бу борада уларга устоз офицерлар — дастурлаш бўйича қатор олимпиадалар ғолиб ва совриндорлари лейтенант Алишер Қомиланов ҳамда лейтенант Муҳриддин Исоқовлар яқиндан кўмак беришмоқда.

Бугун шуни фахр ва гурур билан айта оламизки, миллий армиямиз сафидаги ўғлонлар нафақат тактик ва жисмоний тайёргарлик, балки юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, ўз халқига садоқати каби олижаноб фазилатлари билан ҳам ажралиб туради.

Муассасада ҳарбий таълимни ривожлантириш, алоқа бўйича ҳарбий мутахассисларни саралаш ва тайёрлашнинг кенг кўламли тизимини йўлга қўйиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган қатор чоралар белгилаб олинган. Шунингдек, 2020 йилда институтда фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва улар натижаларини

чоғ этиш мақсадида Ҳарбий ишда информатика ва компютер технологиялари ихтисослиги бўйича Илмий кенгаш ҳамда “Ҳарбий алоқа ва АКТ хабарлари” илмий-услубий ва “Innovation technosystems” илмий-техник журналлари ташкил қилинди.

Албатта, курсантларнинг ҳар томонлама етук кадрлар бўлиши институт педагогик жамоасининг илмий салоҳиятига боғлиқ. Яратилган имкониятларга устозлар ҳам ўз илмий изланишлари билан жавоб беришяпти. Хусусан, техника фанлари доктори, доцент катта лейтенант Бахтиёржон Раҳимов “Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидения тизимлари ва қурилмалари. Мобил, оптик толали алоқа тизимлари” ихтисослиги бўйича диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, профессор илмий унвонига, подполковник Азамат Исмоилов эса “Ҳарбий ишда информатика ва компютер технологиялари” ихтисослиги бўйича доцентлик илмий даражасига сазовор бўлди. Бундан ташқари, полковник Ойбек Миржалолов, подполковник Қодиржон Турсунов ҳамда Куролли Кучлар хизматчиси Мираббос Паязов техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) докторлик илмий даражаларига эришдилар. Умуман олганда, бугун институтда 56 нафар илмий салоҳиятли ўқитувчилар ҳамда 17 нафар илмий ходим (уч нафар фан доктори, 11 нафар фалсафа доктори ва уч нафар доцент)лар фаолият юритмоқда. Икки нафар илмий ходим таянч докторантурада ўқийётган бўлса, 28 нафар ёш ходим мустақил ишловчи сифатида тадқиқот ишлари билан банд.

Тинч ва осуда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ўсиб келаётган навқирон авлод қалбига ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳини янада қучайтириши шубҳасиз. Мустақил Ўзбекистоннинг эртанги келажиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида кечаю кундуз тинмай хизмат қилаётган Ватан ҳимоячилари, мард ўғлонлар, байрамингиз муборак бўлсин!

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ

Солижон ЗОИРОВ олан суратлар.

Файзулло ШЕРМАТОВ, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти бошлигининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари:

— Институтимизда ҳарбий хизматчилар ва курсантларнинг маънавий тарбияси ҳам устувор вазифага айланган. Ҳар бир курсант танлаган йўналишида мукамал билим олиш билан бирга жонажон Ўзбекистонимизда кечайётган ислохотлар мазмун-моҳиятини ҳам ўз вақтида англаб боришлари, ҳатто фаол иштирокчиларга айланишлари керак. Барча таълим-тарбия ишларини шу мақсадларга йўналтирганимиз. Бу эзгу мақсадларга эришиш учун бизда барча шароит ва имкониятлар бор: етмиш мингдан ортиқ илмий, бадиий ва фанларга оид китобларга, “ЗиёNET” ва Миллий кутубхона фондларига уланган 40дан ортиқ компютерларга эга кутубхонамиздан курсантларимиз бемалол фойдаланишади. Ўндан ортиқ турли газета ва журналларга обуна бўлганимиз. Байрамлар ва муҳим саналарга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар-



да курсантларимиз фаол иштирок этади.

Шу ўринда барча таълим-тарбия, таъкидлий ишларимизда бизга доим яқиндан ёрдам бериб келаётган Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” компанияси, Инновация вазирлиги раҳбариятига жамоамиз номидан катта миннатдорлик билдираман.

УЧЕННЫЕ ИЗ УЗБЕКИСТАНА И РОССИИ ПРЕДЛАГАЮТ ЛЕЧИТЬ КОРОНАВИРУС РАДИАЦИЕЙ

Ученые из России и Узбекистана обнаружили, что коронавирус и его мутации можно уничтожить слабыми дозами радиации, об этом сообщает пресс-служба Уральского федерального университета.

При этом такие дозы радиации безопасны для людей. Изучением радиационного влияния на COVID-19 УрФУ занимается совместно с Академией наук Республики Узбекистан, сейчас ученые разрабатывают методику лечения.

«Суть этой пионерской идеи в том, что огромная молекула РНК



данного вируса при попадании в клетку человека вынуждена сильно деформироваться во многих участках вдоль своей длины. Оказалось, что деформированные

места вдоль молекулы РНК в тысячу раз более чувствительны к радиационному воздействию, чем молекулы здоровых клеток. Из этого следовало, что малые дозы радиации, губительные для вируса, будут абсолютно безопасны для здоровых клеток», — приводятся в сообщении слова профессора УрФУ Анатолия Зацепина.

Специалисты отмечают, что радиационное воздействие рассчитано не только на коронавирус, но и на другие вирусы. С помощью радиации они предлагают также дезинфицировать различные поверхности.

Безопасность

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ БАНК ОПУБЛИКОВАЛ РЕКОМЕНДАЦИИ ПРИ ПОЛЬЗОВАНИИ БАНКОМАТАМИ И ТЕРМИНАЛАМИ

Центральный банк опубликовал рекомендации по соблюдению мер безопасности при совершении операций с банковской картой в банкоматах и POS-терминалах.

"Соблюдение предлагаемых мер безопасности позволит обеспечить максимальную сохранность и предотвратить несанкционированное использование сбережений", — говорится в сообщении.

В банкоматах

При выборе банкомата для совершения операций с помощью банковской карты необходимо обратить внимание на отсутствие поблизости подозрительных лиц. В случае присутствия таких лиц, следует выбрать более подходящее время для использования банкомата или воспользоваться другим банкоматом.

Не прислушивайтесь к советам третьих лиц, а также не принимайте их помощь при проведении операций с банковской картой.

Перед использованием банкомата осмотрите его на наличие каких-либо дополнительных устройств, не соответствующих его конструкции и расположенных в месте набора ПИН-кода и в месте (прорезе), предназначенном для приема карт (например, наличие неровно установленной клавиатуры набора ПИН-кода). В случае обнаружения дополнительных устройств, воздержитесь от использования такого банкомата и сообщите о своих подозрениях сотрудникам банка по телефону, указанному на банкомате.

Не применяйте физическую силу, чтобы вставить банковскую карту в банкомат. Если банковская



карта не вставляется, воздержитесь от использования такого банкомата.

При наборе ПИН-кода прикрывайте клавиатуру рукой, чтобы люди, находящиеся в непосредственной близости, не смогли его увидеть.

После получения наличных денежных средств в банкомате следует пересчитать банкноты по листочку, дождаться возврата банковской карты и выдачи квитанции при ее запуске, положить их в сумку (кошелек, карман) и только после этого отходить от банкомата.

Следует сохранять распечатанные банкоматом квитанции для последующей сверки указанных в них сумм с выпиской по банковскому счету.

В случае если банкомат работает некорректно (например, долгое время находится в режиме ожидания, самопроизвольно перезагружается), следует отказаться от использования такого банкомата, отметить текущую операцию, нажав на клавиатуре кноп-

ку «Отмена», и дождаться возврата банковской карты.

Если при проведении операций с банковской картой банкомат не возвращает банковскую карту, следует немедленно позвонить в соответствующий банк по телефону, указанному на банкомате, и объяснить обстоятельства произошедшего. Также необходимо обратиться в банк эмитент банковской карты и далее следовать инструкциям сотрудника банка.

В POS-терминалах

Требуется проведения операций с банковской картой только в Вашем присутствии, не убирая её из поля Вашего зрения. Это необходимо в целях снижения риска неправомерного получения Ваших персональных данных, указанных на банковской карте.

При вводе ПИН-кода по просьбе кассира для оплаты товаров и услуг, следует убедиться в том, что люди, находящиеся в непосредственной близости, не смогут его увидеть. При этом необходимо закрывать ру-

ками клавиатуру POS-терминала при наборе ПИН-кода.

До ввода ПИН-кода на POS-терминале обратите внимание, что средства на блюдения не направлены на POS-терминал.

При успешном завершении операции на экране терминала появится сообщение (Одобрено) и автоматически распечатывается первая копия чека (для кассира), а затем после нажатия кнопки «ENTER» вторая копия чека (для клиента).

После получения чека, в обязательном порядке проверьте сумму, указанную на чеке.

Если при попытке оплаты банковской картой имело место появления сообщения «Отклонено», следует сохранить один экземпляр выданного терминалом чека для последующей проверки на отсутствие указанной операции в выписке по банковскому счету.

Если платежная система поддерживает карты с бесконтактным интерфейсом, желательно воспользоваться именно бесконтактным способом платежа, как более безопасным методом оплаты.

Каждый пункт продажи товаров или оказания услуг имеют наклейки, которые информируют о том, что в данном пункте принимаются карточки указанных платежных систем. Наклейки размещаются на видных местах (входных дверях, окнах, стойках и т. п.).

Будьте бдительны при использовании банковские карты в организациях торговли и предоставления услуг, не вызывающих доверия.

КОРОТКО...

Аналитики IDC насчитали не менее 91,6 млн. настольных ПК, ноутбуков и рабочих станций, глобально отгруженных в финальной четверти 2020 г. Достигнутый результат оказался на 26,1% выше, нежели годом ранее.

Уверенный рост на протяжении последнего полугодия позволил по итогам 2020 г. выйти на объем поставок в размере свыше 302 млн. устройств, что на 13% больше в годовом рассмотрении. Что интересно, в последний раз подобная позитивная динамика (+13,7%) фиксировалась в уже далеком 2010 г. Если тогда рост был связан с оживлением рынков после мирового финансового кризиса, то в настоящее время рынок ожил благодаря массовому переходу на удаленную работу и дистанционное обучение в период пандемии COVID-19.

Недавний пост президента Xiaomi Group China и директора бренда Redmi Лу Вейбинга, указывает на то, что смартфон Redmi K40 будет иметь звание самого дешевого флагмана 2021 года с самым дорогим плоским дисплеем.

В устройстве будет плоский экран, процессор Snapdragon 888, а также аккумулятор на 4 000 мАч. По предварительным данным, за этот аппарат компания попросит 465 долларов.

Telegram стал вторым по числу скачиваний приложением в США, пишет The Daily Telegraph. По данным издания, с 6 января мессенджер загрузили около 545 тысяч раз — в три раза больше, чем неделей ранее.

Мессенджер активнее стали скачивать после того, как Twitter заблокировал аккаунт Дональда Трампа на фоне протестов в США, а Apple и Google удалили из магазинов приложений соцсеть Parler, которым пользовались его сторонники.

На рост скачиваний Telegram также могло повлиять изменение политики конфиденциальности WhatsApp.

КРИПТОВАЛЮТАЛАР

БИТКОИН РЕКОРД ДАРАЖАДА ҚИММАТЛАШДИ

Ўтган пайшанба кунги савдоларда биткоин 40 минг доллардан қимматлашди. Бу ҳақда CoinDesk портали хабар берди.

Шу тарзда криптовалюта қиймати тарихий максимумгача янгиланди. Биткоин нархи 8,5 фоизга ўсиб, энг юқори чўққисиди 40 013 долларни ташкил этган.

7 январга ўтар кечаси, Вашингтон (АҚШ)даги тартибсизликлар фониди, биткоин рекорди 36 470 долларгача чиққанди. Тонгда рекорд яна бир марта янгилашиб, 37 168 долларгача кўтарилган.

2020 йилнинг декабр ойида жаҳон бўйича тахминан 19 миллионга биткоин мавжудлиги аниқланганди, 2021 йилда кўрсаткич 21 миллионга етиши кутилмоқда. Талаб тақлифдан ошиб бораётгани боис, криптовалюта қимматлашда давом этади. Шунинг баробарида унутилган пароллар, майнинг машиналаридаги бузилишлар оқибатида уч миллиондан беш миллионгача биткоин йўқотилган.



НОУТБУКЛАР

2021 йилда 200 млн. дондан ОРТИҚ НОУТБУК ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

Пандемия давридаги карантин ноутбуклар бозорига ижобий таъсир кўрсатди.

TrendForce ҳисоб-китобларида кўра, 2020 йилда глобал бозорда нафақат йиллик 22,5 фоиз ўсиш, балки тарихдан биринчи марта 200 миллиондан ортиқ қурилма етказиб берилишига эришилди.

2021 йилда ҳам жаҳон бозориди ноутбукларга талаб позитив динамикасини сақлаб қолади ва камида 217 миллионга қурилма етказиб берилади — бир йил олдингисидан 8,6 фоиз кўп.

Ноутбуклар учун амалий тизимлар орасида Windows яққол етакчилиكنи сақлаб қолади, бироқ, хромбуклар таъсири остида, унинг улуши илк марта 80 фоздан пасаяди.



КОРОНАВИРУС


ЯПОН ОЛИМЛАРИ КОРОНАВИРУСНИ АТИГИ 30 СОНИЯДА ЎЛДИРУВЧИ ҚУРИЛМА ЯРАТИШДИ

Япониядаги Mainichi нашрининг хабар беришича, маҳаллий олимлар SARS-CoV-2 вирусини ярим дақиқадаёқ 99,99 фоизга йўқ қилиш имконини берувчи қурилма яратишди.

Handy UV emitter номли бу мосламадаги нузоқ муддатли светодиод тўлқин узунлиги 280 нанометр, оптик қуввати эса 70 милливатт бўлган ультрабинафша нуруларини таратади.

Коронавирус кушандасини яратган Nichia компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, маскур қурилмани шамоллатиш (вентиляция) тизимларида қўллаб, ҳавони вирусдан тозалаш мумкин. Компания бу гаджетдан 20 донасини Токусима префектураси (вилояти) ҳокимлигига, яна 30 донасини эса шу ердаги университетга туҳфа этган.

Токусима университети олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, Handy UV emitter чиндан самарали. У 5 сантиметргача масофада коронавирусининг 99,99 фоизини йўқ қила олади.



БИЗНЕС

14 МЛРД. ЙЎҚОТГАН МАСК ЯНА ИККИНЧИ ЎРИНДА

8 январ куни Безосни орта қолдирган Илон Маск дунёнинг энг бадавлат инсонига айланганди.

Бироқ душанба, 11 январ кунги Америка биржаларидаги савдолар якунида унинг бойлиги 14 млрд. долларга ёки 7,4 фоизга камайиб, жами 175,7 млрд. долларни ташкил этди ва Маскнинг рейтингини пасайди.

Amazon компанияси асосчиси Жефф Безоснинг бойлиги эса 181,9 млрд. доллар деб баҳоланди. Унинг бойлиги миқдори бир кун ичида 3,8 млрд. долларга ёки 2,06 фоизга камайди.

Илон Маск дунёнинг энг бадавлат инсонига айланган куни бойлиги 9 млрд. долларга кўпайиб, 186,5 млрд. долларни ташкил этганди.

Bloomberg ҳисоб-китобларига кўра, Маскнинг бойлиги ўтган йилнинг 12 ойи давомида тахминан 100 млрд. долларга кўпайган. Таъкидланишича, дунёнинг энг бой 500 киши орасида ҳеч ким шунча вақт ичида ўз бойлигини бунчалик кўпайтирма олмаган.



ХАЛҚАРО ХАЁТ



ЛИТВА ГРУЗИЯНИ "ҚАЙТА НОМЛАДИ"

Литвада Грузиянинг янги номи — Сакартвело (Sakartvelas) расман тасдиқлангани ҳақида Литва тили давлат комиссияси раиси Аудрис Антанайтис маълум қилди.



Антанайтисга кўра, ўтган йилнинг 21 декабр куни комиссия давлатнинг расмий номини ифодаловчи Gruzija сўзини ҳужжатлардан чиқариб, ўрнига Sakartvelas сўзини киритишни тасдиқлаган.

"Комиссиянинг икки йил олдинги резолюцияси Сакартвелони иккинчи норасмий ном сифатида тасдиқлаганди. Жамоатчилик янги номни қабул қиладими — йўқми, бунинг учун муайян муддат керак бўлди. Буни қаранги, янги номни халқимиз тез ўзлаштирди. Тўғриси, буни ўзимиз ҳам кутмагандик", — деди комиссия раиси.

Грузия номи ҳам ёнма-ён, фақат норасмий равишда ишлатилаверади. Айна пайтда аксарият тилларда мамлакатнинг лотинча номи — Georgia (Гео́ргия) ишлатилмоқда.

Анъанавий номни ўзгартиришни Грузиянинг ўзи сўраган, айтилишича, бу мамлакатнинг русланган номи.

Грузияликлар ўз мамлакатини Сакартвело деб аташади. Бу ном мамлакат марказидаги Картли минтақасида юзага келган. Миллий ва Византия ман-

баларига кўра, илк ўрта асрларда грузинларнинг ягона миллат сифатида сиёсий ва маданий шаклланиши шу ҳудудга тўғри келади.

ИТАЛИЯ МАФИЯСИ ВА ВАКЦИНА

Италия ички ишлар вазирлиги мамлакатдаги мафия кланлари, талаб юқорилиги боис, вакциналар тарқатилиши жараёнига суқилиб киришга уринаётганидан огоҳланганди.



Махсус полиция бўлими тўплаган маълумотларга кўра, инқироз шароитида компанияларни қўллашга қаратилган молия ресурслари ҳамда сайёҳлик ва савдо муассасаларини дезинфекциялаш ишларини мафия ўз назоратига олишга уриниши кузатилган. Энди эса жинойи гуруҳлар коронавирусга қарши вакцинани тарқатиш ишларига ҳам аралашishi хавфи туғилган.

Айна пайтда мамлакат бўйлаб вакцинани тарқатиш ва сақлаш ҳарбийларга топширилган.

"СОБИҚ РАИС": КИМ ЧЕН ИН МАҚОМИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Корея Меҳнат партияси VIII съездининг олти кунлик сессиясида Ижроия сиёсий кенгаши номини котибиятга ўзгартириш қарорига кели-



ниб, "Ким Чен Инни Меҳнат партиясининг бош котиби сифатида улуглаш" тақлифи илгари сурилди.

Илгари бош котиб мақомига Ким Чен Иннинг отаси — Ким Чен Ир, ундан ҳам бурун КХДР асосчиси — Ким Ир Сен (Ким Чен Ирнинг отаси) лойиқ топилган.

Охирида партиядошлари қаршисида сўзга чиққан КХДР Ким Чен Ин мамлакат ядровий кучларини яратишни ниҳоясига етказганини маълум қилди. Таъкидлашича, Шимолий Корея миллий қудрати "шу пайтгача энг юқори даражасига чиққан".

Янги бош котиб мамлакат ҳукуматининг галдаги асосий вазифаси ядровий каллақларни олиб учадиган ракеталар радиусини 15 минг километргача ошириш эканини айтди.

АНТАРКТИКА ОСМОНИДАГИ РЕКОРДЧИ ОЗОН ТУЙУГИ ЁПИЛДИ

Антарктида осмонидаги рекорд даражада катталашиб кетган озон туйуғи, табиий жараёнлар натижасида, 2020 йилнинг декабрида ёпилди. Бу ҳақда 8 январ куни Жаҳон метеорология ташкилоти хабар берди.

Таъкидланишича, 2020 йилнинг август ойи ўрталаридан озон туйуғи кескин катталашини бошла-

ган ва 20 сентябрда энг максимум даражасига чиққанди.

"Бу озон қатламини 40 йил аввал қузатишлар бошланганидан бери энг давомли, катта ва чуқур емирилиш эди. Унинг ёпилишига кучли, барқарор ва совуқ кўтб шамоли ҳамда стратосферадаги жуда паст ҳарорат сабаб бўлди", — дейилади ЖМТ хабариди.

Антарктида осмонидаги озон миқдори 1980 йилдаги даражасига қайтиши учун яна 40 йил керак, дейишмоқда олимлар. Озон қатлами — Ерни Қуёш радиациясидан ҳимояловчи табиий қалқон.

ГУТЕРРИШ ИККИНЧИ МУДДАТГА ҲАМ БМТ БОШ КОТИБИ БЎЛМОҚЧИ

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ташкилотни яна беш йил бошқаришга тайёр — у бу ҳақда Хавфсизлик кенгаши раисига йўллаган хаттада маълум қилди.



Антониу Гутерришнинг амалдаги муддати 2021 йил охирида ниҳоясига етади.

Маълумот учун: бир киши БМТни истаганча муддат бошқариш ҳуқуқига эга, бироқ ҳали ҳеч ким 10 йилдан зиёд ташкилотга раҳбарлик қилмаган.

ШАРАФ ВА МАСЪУДИЯТ

ХАЯЖОН

Йигит ёки қиз бола тараддуланиб, тортинибгина турибдими, демак, у корхонага яқиндагина ишга келган. Бу ҳолат ҳеч кимга янгилик эмас. Зотан, ҳар биримиз ҳам шундай кунларни бошдан кечирганмиз. Устоз ишимни қандай баҳолаётган, деган ўй-саноларда қолган дамлар бўлган. Бинобарин, ёшлик – ёшлиқда. У назарий билимларига ишонса-да, амалий ишда оқшаи тайин. Вазифалари ҳақида тасавури эса анча заиф. Таҳсил давомида аъло ўқиган, амалиёт даврида ўзини намойён этганлар ҳам юрак ҳовучлаб туради: ишим ёқмас-я, ҳамма-нинг олдида изза қилмасаларда...

Айниқса, талабалик йилларида амалиёт ўташга иккинчи даражали ишдек қараганлар фаолиятга жадал киришиб кетиши амримаҳол. Турли бўлимларни бошқараётган тажрибали устозларнинг синончан назаридан ҳам қочиб қутулолмай-сиз. Улар қани, кўрсат, қўлингдан нима келаркин, дейётгандек гўё. Баъзан қўтилмаган саволлардан қаловланиб қолиш ҳам бор гап. Ассий устози – у ишлаётган бўлимининг бошлиғи ниҳоятда талабчанлиги билан дастлаб доводиратиб қўйса, кейин англайки, айнаи вақтда у жуда эътиборли ҳам. Аввал қойиб,

Уларнинг ҳаммаси ҳам бола таъқидлаганимиздек – навниҳол. Раҳбар-боғбондан ҳар бир ниҳолга ўзига хос муносабатда бўлиш, касби камоли учун руҳлантирувчи иқлим яратиш талаб этилади. Соҳа тараққиёти учун фидойиларни тарбиялашдек олижаноб ишга оздир-қўндир ҳисса қўишига интилиб келар эканман, самара кўрганимда ўзимнинг азизу мукаррам устозларимни бир-бир эслайман. Инсоний хислатлари бениҳоя бисёр биринчи устозим Эдуард Черепов бўлган. Шу ажойиб инсоннинг бебаҳо ўғитлари кунларимни ёритиб, нурлан-

ларнинг анчаси униб-ўсиб, обрў қозонишди. Жамоаларга раҳбарлик лавозимларини ҳам уддалаётганлари қўп. Ҳаволамасин, ёшлик ҳузур-ҳаловатида осмонларга учиб кетсаларда ердан оёқлари узилмасин, дея қаттиқ-қуруқ берган танбеҳларим ва танқидларим – бу масъулият, ҳозирда миннатдор бўлиб эсласча – мана шу жойи – шараф, шукроналар қилишга арзигулки сабаб – шарафдир...

Устозларнинг кўпчилиги саволларимга, агар улар мени устоз, деб ҳисобласча, демак, шу болаларнинг устозиман, дейишди. Бинобарин, устоз рақиб эмас – муаллим, тўғаноқ эмас – суянчиқ. Халқона қилиб айтганда, “Устоз – отандек улуғ”. Қўқон ШТБдан Улуғхўжа Мамажонов, Қувасой ШТБда 41 йил электромонтёрлик қилган Салимжон Ҳошимов, Учқўрлик туман ТБдан Гаффорали Мамажонов... Ўз вақтида тиллолардан аъло насихатлари, йўл-йўриқлари билан ёшларнинг бошини силаган

УСТОЗ ҲАМ БОҒБОНДИР



сўнг йўл-йўриқ кўрсатади, худди ота каби, худди она каби. Бўлмасам-чи, умумий ишга бўлим бошлиғи масъул. Натига учун у жавоб беради. Қолаверса, аксарияти иш, меҳнат қилишнинг қўчасидан ўтмаган бўлса, қавққа эгсанг, шу ёққа эгиладиган навниҳол бўлса! Устоз ҳам бир боғбондай гап. Парваршлаши шарт.

– Тўғри, – дейди “Ўзбек-телеком” АК Фаргона филиалининг Қува телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи, салкам қирқ йиллик алоқачи Азиззахон Абдуллажонов. – Чиндан ҳам улар бир ниҳол. Боғбон бўлмоқдан ўзга чора йўқ. Уларга меҳр бериш, – “етақлаш” керак. Турли оила муҳитида ўсган, ҳар қил устоздан сабоқ олган ёшлар билан илк сўхбатдан ҳам қўп нарса аёнлашади. Бири келиши билан стол берсангиз, олиб кета оламан, дейди, иккинчи тоифадагилар мени ҳар қандай жабҳадаги ишга қўвиринг, соҳани жудаям чуқур билиб олишим зарур, деб ҳисоблайди. Яна бир тоифа эса куним ўтса, маош чўнтакка тушса, оилами боқсам бас, деган руҳда келади.

тириб юборар эди. Абдувоҳид Жўрабоев, Ҳасан Азамов, Давлатали Тошматов, Нўъмонжон Акбаров каби бе-назир устозларимдан ҳам чексиз миннатдорман. Уларга хаёлан, яхшиликларингиз ёдимда, ҳаммиша бошим ерга теккунча таъзимдаман, дея тонг палларарида ҳақларига дуолар айлайман.

Филиал раҳбарияти ва бошланғич касабга уюшмаси томонидан фахрийлик ёшига етганларга эҳтиром тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилганидан буён устоз-шогирдлик шарафи ва масъулияти ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилиши табиий. Утган 2020 йил декабр ойининг сўнги саналарида таваллуд топган камтарин ва камсуқум устоз Бахтиёр ака Эгамовнинг ҳам устозлик ҳақидаги мулоҳазалари, менимча, тинглашга, хулосалашга молик:

– Мен ҳам жуда олижаноб инсонлардан таълим-тарбия олганман. Ана ўшаларнинг тутумини тутиб, кам бўлмадим – ёшларга бир ҳарф бўлса ҳам ўргатиб, му-стақил ҳаётга йўллаб келялман. Зеро, устозлик берган сўз қарз экан. Қайтаряпман. Қўлимда касб ҳосил қилган-

азиз мураббийларга, соҳа ривожига қўшган залворли улушларингиз учун раҳмат. Олганларингиз олтин бўлсин, дея тўхталар топширилган дақиқалар нафақат суратларга, балки қалбларга ҳам муҳлаб қўйилган бўлса не ажаб!

Фахрийлик ёшига етганларнинг бир гуруҳи фаолиятини давом эттирмақдалар. Айримлари “Энди невараларни қаторга қўшай”, деб дамга чиқишни афзал кўрди. Уларга ҳар қанча ҳавас қилсангиз арзийди. Ахир бундай эъзоз, бундай эҳтиром ҳаммага насиб этавермайди. Етган бор, етмаган бор. Менинг кўз ўнгимдан эса устоз ва мураббийларнинг юз-кўзларида қувонч ва хушбахтлик ёлқинини кўриш илинжида бўлган касабакўмчилар Муроджон Азамов ҳамда Алишержон Шокировларнинг мамнуният акс этган ниҳоллари сира кетмайди. Инсонни ардоқлаш юмушлари шундай хосиятли, ҳикматли дамлари билан гўзал ва унутилмасдир.

Ҳафиза САЛҲОВА, “Хабар”нинг Фаргона виллоятидаги муҳбири

Эрталабки ажойиб воқеа ва ҳолат кайфиятимнинг кўтарилишига сабаб бўлди.

Сабр ҚАНДАЙ ЧИРОЙЛИ СЎЗИ!

Маидалаб ёғаётган қор, изиллаган совуқ... ишга бориш учун Юнусободнинг 17-мавзесидан 67-йўналиш бўйича қатнайдиغان автобусга чиқиб, орқароқдаги бўш ўринга ўтирдим. Ўша ондаёқ кўзим автобус пештоқига ёзилган, ичидан чиқоқ билан ёритилган чиройли S ҳарфига тушди. Яхшилаб тикилсам, давомида яна ҳарфлар бор, лекин нимқоронғиликда уларни ўқишга қийналдим. Тикилиб кетяпман, бошқа ҳеч нарса хаёлимни тортмайди. Ниҳоят, Sга ёндаш ҳарфларни ҳам англадим: Sabr!

Назаримда, автобус ичидан бу ботинию зоҳири гўзал сўз мўъжаз қуёшчадек чарақлай бошлади. Тикилганим сайин қалбимга осойишта, ораста нурлар таралаётгандек. Ногоҳ бир новча йигит рўпарамда туриб қолди-ю, сўз тўсилди. Аста ўнг, чапга оғаман – шуълаланган сўзга интиламан. Ниҳоят, йигит ёнга сурилди – қуёшли сўз яна кўзимга тўлди.

Тасавурида бу катта автобусда кетаётганлар ҳаёт карвонининг рамзий бир йўловчиларига айланди. Ҳамма қандайдир ният билан йўлга чиққан. Уларнинг орасида кимдир хотиржаму кимдир шошилган, ким борлиқдан кўкси баланду ким йўқчиликдан ташвишли, ким соғу ким дардманд, ким шукронадаю ким афсусда... Аммо уларнинг ҳаммасига – барчамизга, ҳар қандай ҳолатда, ҳар доим яхшилик, саодат, савоблар йўлини очадиган Аллоҳнинг марҳаматли неъматларидан бири – сабр! Бизга керак ва ноқерак турли буюмлар, шифобахшлиги нечоғли тасдиқлангани номаълум дори-дармонлар, бир-икки ойда хорижий тилни ўргатиб қўйишга кафолат бераётган ўқув курслари ҳақидаги эълон-

лар, майли, ўз йўлига. Уларга ҳамма бирдек эҳтиёжманд эмаслиги табиий. Лекин шундай даъват, тарбия, насихат, йўл-йўриқлар борки, уларни туғилгандан умрининг охиригача қанча тингласанг, қалбинга жоиласанг, уларга амал қилиб яшасанг – шунча жоиз, шунча афзал, шунча хайрли ва шунчалар оз... Улар қаторида бўлган сабр сўзини мана бу автобусда мурувватли, муҳаббатли, талабчан устоз каби кўз ўнгимизга ёзиб қўйишгани қандай хайрли иш бўлибди!

Мен ўзим сабр-тоқатда ноқислигим сабабли кўп нақд еганман. Лекин чиройли сабр-тоқат эгаси бўлишни жуда хоҳлайман. Ҳозир шу умид яна қалбимни орзиқтираркан, рўпарамдаги ёзув – қуёшча кўзларимга жимир-жимир юлдузчалар каби сочила бошлади. Уни кўраверсанг, уни севиб қолсанг, қалбинга мустаҳкам жо бўлиб борса, сабр бизни мурувватли паноҳига олса, иншааллоҳ.

Бирдан бу қувончни бўлишим келди – ён-атрофимдагиларга бир-бир қараб чиқдим. Енимдаги ҳамроҳ менинг – ўзига етти ёт беғона аёлнинг бунақа ҳаяжонланиб, жилмайиб нимадир демоқчи эканидан ҳайронлиги нигоҳида акс этиб турарди. Ёзувга ишора қилдим: “Қаранг, қандай чиройли, қандай ибратли, қандай яхши!”

Манзилимга етиб, ҳар доимгидан бошқача кайфият билан бекатта тушдим. Назаримда, автобус эмас, ичи нурга тўлган бир маъво аста жойидан қўзгалди. Кўзларимга унинг сиртига ёзилган 01 507 DCA белгиси ҳам бошқача, ажойиб кўринди.

Муҳтарам УЛУҒОВА, фахрий журналист

Эълон!

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта ўқитувчилар

“Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси – 1, “Алгоритмлаш ва математик моделлаштириш” кафедраси – 1, “Теле-студия тизимлари ва иловалари” кафедраси – 1, “Тизимли ва амалий дастурлаш” кафедраси – 1

Ассистентлар:

“Менежмент ва маркетинг” кафедраси – 1, “Информатика асослари” кафедраси – 1, “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедраси – 1, “Чет тиллари” кафедраси – 1, “Аудиовизуал технологиялар” кафедраси – 1.

Аризалар чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатишган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ му-тахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 108-йў. Тел.: 71-238-64-06.



UZTELECOM

14-yanvar – Vatan himoyachilari kuni

**Qahramonlarimizga salomatlik,
zafarlar va hayotingizning barcha
sohalarida muvaffaqiyatlar tilaymiz!**

Xabar**МУАССИС:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй
(мўлжал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Муҳиддин СОЛИЕВ.

ISSN 2010-6424

**ISSN 2010-6424**

Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқади

Газета "Ўзбекистон" нашриёт матбаа
уйи босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.

V 45-12 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қўғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Адади: 5728 нусха.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда
226-47-80

Бухорода
(99)854-7305

Жиззахда
(94) 199-95-64

Наманганда
(91) 353-71-25

Навоийда
225-91-10

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
(91)557-84-44

Термизда
(91)235-88-68

Тошкентда
234-18-59

Ургучда
(97) 211-65-05

Фарғонада
244-18-05

Қаршида
(93)931-08-99